

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТАМАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ БАРЧА БОСҚИЧЛАРИДА ЧЕТ ТИЛЛАРНИ  
ЎРГАНИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ

МАТЕРИАЛЛАР  
ТҮПЛАМИ



БУХОРО – 2016

Туйлиева Л. (БГУ) Образ древнего песнотворца бояна в «Слове о полку Игореве»	261
Тўхсанов К. (БухДУ) Ахмедова Р. (БухДУ) Румий ва Навоий ижоди-ёшлар маънавиятини ривожлантириш омили	264
Умарова Д. (БухДУ) Машраб ғазалларида маънавият ва ахлок	267
Yusupova H. (BuxDU) Saidova N. (BuxDU) Magiya—“Garri potter” asarining asosi sifatida	268
Yusupova H. (BuxDU) Ro’zimurodova Z. (BuxDU) “Da Vinchi siri” asarida yozuvchining obraz yaratish mahorati	272
Файзуллаев О.( БухДУ) “Чалпак ёққан кун” эртагининг инглизча таржимасида лингвокультуремаларнинг берилиши	275
Ўраева Д. (БухДУ) Ҳозирги ўзбек тили ва адабиётида галлицизмларнинг кўлланиши	277
Қувватова Д. (БухДУ) Тошева Д. (БухДУ хузуридаги 4-сон АЛ) Ойбекнинг “даврим жароҳати” достони ҳақида	279
Ganiyev F. (UEB) Morales des fables de Jean de la Fontaine	281
Ҳайитова Г. (БухДУ), (БухДУ) Бобокалонов П. (БухМТИ) Франция, Англия ва Америка адабиётида замонавийлик	284
<b>4-бўлим. Хорижий тилларни ўқитишнинг инновацион технологиялари</b>	
Achilova D. (UEB) Enseigner les langues avec la bande dessinée	288
Жўраева М. (Фиждувон шаҳар 1-мактаб) Жўраева Б. (Фиждувон тумани 52-мактаб) Таълим самарадорли – инновацион технологиялар	291
Каримова Ш. (БухДУ) Хорижий тилларни жаҳон стандартлари талаблари асосида ўрганиш – давр талаби	294
Умирова Х. (БухДУ) Чет тили ўрганишда электрон дарсликларнинг роли	297
Умирова Х. (БухДУ) Чет тили дарсларида видео материаллардан фойдаланиш усуслари	300
Шарипова Д. (БухДУ) Дарс жараёнида инновацион технологияларни кўллашнинг афзалликлари	302
Қодиров Д. (БухДУ) Мавлонова Ў. (БухДУ) Ҳозирги замон муаммоси - интернетга қарамлик	305
Faniyev F. (БухДУ) Мехмонова Ю. (Бухоро шаҳар, солиқ коллежи ) Хорижий тилларни ўқитишда педагогик маҳоратнинг роли	307
Holiqova (QarDU) Chet tili fanlarining samaradorligini oshirishda foydalilaniladigan innovatsion texnologiyalar	309
Khamraeva G. (BSU) Berdieva S. (BSU) Benefits of using games in teaching foreign languages to young learners	311
Hoshimova N. (Buxoro sh. 35-maktab) “Mahorat mabtag” lari faoliyatida bilim samaradorligini oshirishda “Virtual laboratoriya”	314

## ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИ – ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Жўраева М. (Фиждувон шаҳар, 1-мактаб)

Жўраева Б. (Фиждувон тумани, 52-мактаб)

Илмий-техника тараққиёти даврида ўқувчи ўзлаштириши лозим бўлган илмий ахборот ҳажмининг кескин ошиб кетиши билан анъанавий таълим кам самарали бўлиб қолди. Ана шунинг учун келиш даври интерактив методлар, инновацион педагогик ва ахборот технологияларини ўкув жараёнига киритишга қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар ўкувчиларни эгаллаётган билимларни ўzlари қидириб топишга, мустакил ўрганиш, таҳлил килиш ва олинган билимлардан ўzlари хулоса чиқаришга ўргатади.

Чет тил ўргатиш жараённида замонавий технологиялардан фойдаланиш чет тил дарсларида ўкувчиларнинг сўз бойлигини ошишига, сўзларнинг ассоциациясини тушуниб этишга, ўкувчилар нутқидаги тил материали (лексика, грамматика, фонетика)га оид хатоларни бартараф этишга ёрдам беради.

Ҳар бир дарс мавзусини ўрганишда ўзига хос технология, усул ва воситаларни танлашга тўғри келади. Ўқитиши жараённида юқори натижага эришиш учун дарс жараёнини олдиндан кетма-кетлигини мўлжаллаш керак бўлади. Бунда ўқитувчи фаннинг ўзига хос томонларини, ўкув жараёнини ва шароитини, ўкувчиларнинг эҳтиёжини ва имкониятларини, билим савиясини, шароитта қараб ишлатиладиган технологияларни танлаши лозим.

Инновацион технологиялар инглизчадан “innovation” янгилик киритиш – педагогик жараён, яъни ўкувчи ва ўқитувчи фаолияти ўзгариш, янгилик киритиш, ўкув жараённида интерактив методлардан тўлқин фойдаланишини ўз ичига оладиган воситалар эса ўкувчининг биргаликда фаолият орқали таълим мазмунига таъсир кўрсатадиган воситаларни ўз ичига олади.

Чет тилларни ўрганишда қолаверса барча дарсни самарали ўтиши учун ўкувчиларнинг ижодий изланиши, мантикий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий технологик ҳамда ижодий ўйинлар хозирда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Уларнинг бир неча турларини айтиб ўтмоқчимиз:

“Модулли ўқитиши технологияси”

Модулли (лотинча модул, қисем, блок) ўқитиши олдиндан тузиб этишдан иборат. Бунинг учун дарс мавзуси мантиқан тугал, нисбатан мустакил қисмлар (модуллар, блоклар)га ажратилади. Бундай қисмлар ўкув элементлари (ЎЭ) дейилади. Ўқитувчи дарснинг технологик харитасини олдиндан ишлаб чиқади. Харитада ҳар бир ўкув элементи бўйича ўкувчи эришиши лозим бўлган мақсад, у бажарадиган ўкув вазифалар ва унинг ўзлаштириш даражасини текшириш учун саволлар қўйилади. Модул дастури машғулотда ўкувчилар ўзлаштирган билимни якунлаш билан тамомланади. Модулли ўқитиши технологияси якка ўкувчига ёки ўкувчиларнинг кичик гурухига мўлжалланади. Модул дастури дарснинг технологик харитасидан

иборат бўлиб ҳар бир ўқувчига тарқатилади. Модул дастурида қўйилган вазифалар ўқувчи иш дафтарига ёзиб борилади. Модулли дарс технологик харитасига ўқувчилар билимини аниқлаш учун зарур бўлган топшириклар илова қилинади.

#### “Зинама-зина” технологияси

Ушбу машғулот талаба (ёки ўқувчи) ларни ўтилган ёки ўтилиши керак бўлган мавзуу бўйича якка ва кичик жамоа бўлиб фикрлаш ҳамда хотирлаш, ўзлаштирилган билимларни ёдга тушириб, тўпланган фикрларни умумлаштира олиш ва уларни ёзма, расм, чизма кўринишида ифодалай олишга ўргатади. Бу технология талаба (ёки ўқувчи) лар билан бир гурух ичидаги якка ҳолда ёки гурухларга ажратилган ҳолда ёзма равишда ўтказилади ва тақдимот қилинади.

#### “Чархпалак” технологияси

Ушбу технология талаба(ёки ўқувчи)ларни ўтилган мавзуларни ёдга олишга, мантиқан фикрлаб, берилган саволларга мустакил равишида тўғри жавоб беришга ва ўз-ўзини баҳолашга ўргатишга ҳамда қисқа вақт ичидаги ўқитувчи томонидан барча талаба(ёки ўқувчи)ларнинг эгаллаган билимларини баҳолашга қаратилган. Технология ўқув машғулотларининг барча турларида дарс бошланиши ёки дарс охирида ёки ўқув предметининг бирон бир бўлими тутгалланганда, ўтилган мавзуларни талаб(ёки ўқувчи) лар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш, такрорлаш, мустаҳкамлаш ёки оралиқ ва якуний назорат ўтказиш учун мўлжалланган. Ушбу технологияни машғулот жараёнида ёки унинг бир қисмида якка, кичик гурух ва жамоа шаклида ташкил этиш мумкин.

#### “Мулоқот” технологияси

Бунда талаба(ёки ўқувчи)ларнинг дарс жараёнида мустакил фикрлашга, ўз фикрларини эркин баён этишга ҳамда уларда баҳсласиши маданиятини тарбиялашга қаратилган бўлиб, одатда, бундай машғулот талаба (ёки ўқувчи)ларни кичик гурухларга ажратилган ҳолда ўтказилади.

Ўйинли ўқитиш методи- нафақат қатнашчиларнинг фаоллиги билан, балки анъянавий методларга нисбатан талабаларнинг катта интеллектуал ва психологик мухит билан ҳам фарқланиб туради. Ўқитувчи ўйинли машғулот ишлаб чиқиб, режалаштириши асосида унинг дидактик хусусиятларини аник тасаввур қилиши ва ҳисобга олишлари зарур.

Ўқитувчи учун дидактик ўйинлар кўп меҳнат талаб қиласиган машғулот туридир. Уларни ўтказишга тайёрланиш ўқитиш жараёнини чуқур anglash орқали педагогдан кўп вақт сарфлашини талаб этади. Педагогик тажрибалар таҳлили, 15 кишилик гурух билан 1соат муайян вазиятлар устида ишлаш ўртача мураккабликда 12-15соат тайёргарлик ишларини талаб этади.

#### “3x4” технологияси

Технологиянинг тавсифи. Машғулот талаба ( ёки ўқувчи) ларни аниқ бир муаммони якка ҳолда (ёки кичик жамоа бўлиб фикрлаб ҳал этиш, ечимини топиш, кўп фикрлардан керагини танлаш, танлаб олинган фикрларни уммлаштириш ва улар асосида қўйилган муаммо(ёки мавзуу) юзасидан аниқ

бир тушунча ҳосил қилишга, шунингдек, фикрларни маъқуллай олишга ўргатади. Бу технология талаба (ёки ўкувчи)лар билан аввал якка ҳолда, сўнгра уларни кичик гурухларга ажратилган ҳолда ёзма равища ўтказилади.

Семинар, амалий ва лабаратория машғулотларида якка тартибда (ёки кичик гурухларга ажратилган ҳолда) ўтказиш ҳамда гурух аъзоларини бир неча маротаба жойларини ўзгартириб берилган вазифаларни бажаришга мўжжалланган.

#### “Ижодий ўйинлар” технологияси

Ижодий ўйинлар ўқувчилар ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари ижодий кўллаш, ўкиш жараёнида пайдо бўладиган муаммоли вазиятларни ижодий изланиш орқали ҳал этишдан иборат. Бундай ўйинлар ўқувчиларнинг мустақил ижодий изланишлар ва мантикий фикрлашини ривожлантиришга, билимларни янада мустаҳкамлаш ва янги билимлар беришга қаратилган бўлади. Ижодий ўйинлардан барча фанлардан йирик мавзулар ва боблар бўйича ўрганилган билимларни умумлаштириш мақсадида фойдаланиш мумкин. Бунда синфдаги ўқувчилар ўзлаштириш даражаси ва сони бўйича бир хил имкониятга эга бўлган гурухларга ажратилади. Ҳар бир гурух ўқитувчи тавсия этган топширикларни мустақил ижодий бажаради. Гурухларни шартли равища бир неча мутахассисларга ажратиш мумкин. Ҳар қайси гурух мутахассислари ўқитувчи тавсия этган топширикларни мустақил ижодий бажариб, фанда “янгилик” кашф этишади. Ўз жавобларини кўргазмали куроллар ёрдамида асослаб беришади.

Ўқувчиларнинг ижодий изланиши, мантикий фикрлашини ривожлантириш ва қўшимча билим олишга бўлган эҳтиёжларини қондиришда ижодий ўйинлар мухим аҳамият касб этади.

#### “Дидактик ўйинли технологиялар”

Дидактик ўйинли технологиялар ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятин ўйин фаолияти билан қўшиб олиш борищдан иборат. Дидактик ўйинлар мусобака, рақобат, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик тарзида олиб борилади. Бунинг учун ўқитувчи дидактик ўйиндан қўзда тутилган мақсад, уни амалга ошириш йўллари, ўйин мазмуни ва иштирокчилари фаолиятини аниқлаб олади. Дидактик ўйин дарслари таълим ва тарбия бериш, ўқувчилар фаолиятини йўналтириш, касбга йўналтириш, ўқувчиларнинг мулоқат ва нутқ маданиятини ривожлантириш, улар билимларини чукурлаштириш ва шахсини ривожлантириш вазифасини бажаради. Дидактик ўйинли дарсларни мазмунига кўра саҳналаштирилган ролли ўйинлар, ижодий ишбилармонлик ўйинлари, конференция ва ўйин машқли дарсларга ажратиш мумкин.

#### “Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқитиши”

Бу ёндошувда кичик гурухлар 4 та ўқувчидан ташкил топади. Ўқитувчи аввал мавзуни тушунтиради, сўнгра ўқувчиларнинг мустақил ишлари ташкил этилади. Ўқувчиларга берилган ўқув топшириклари 4 қисмга ажратилиб, ҳар бир ўқувчи топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Топшириқ якунидаги ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади, сўнгра гурух аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хуроса

чиқарилади. Ўқитувчи ҳар бир кичик гурух ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Бу жараёнда кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлигига фаолияти, ўқувчининг ижодий ишлаши, мустакил фикрлаши, изланиши, таҳлил қилиши ва хулосалай олиши, ўқувчининг ўзига ва гурухга, гурухнинг ўқувчига баҳо беришига имкон яратилиши билан боғлиқидир.

Қолаверса, ҳар бир ўқитувчи ҳар бир дарсга ўқувчилар қизиқиши мавзу мазмуни ва мақсадидан келиб чиқкан ҳолда ўзига хос технология қўллаши лозим бўлади.

## **ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЖАҲОН СТАНДАРТЛАРИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ЎРГАНИШ – ДАВР ТАЛАБИ**

**Каримова Ш. (БухДУ)**

*Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигига навқирон авлодни соглом ва баркамолинсонларэтибарбиялаш, ёшлиаримиз замонавий билим ва қасб-хунарларни чуқур ўрганиши баробарида чет тилларини пухта ўзлаштириши учун зарур шарт –шароит яратиш масаласига устувор аҳамият берилмоқда.*

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабулкилинган чет тилларни ўрганиш тизими нинаядатакомиллаштиришчора-тадбирларига оидва 2013 йил 23 майда имзоланган Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларга доир қарорлари бу борада муҳим дастурил амал бўлмоқда.

Мустақиллик ҳалқимизнинг тараққиёт йўлида жаҳон билан ҳамқадам бўлишдек ҳақиқатларни олдимишга кўндаланг килиб қўймоқда. Шулардан бири тил масаласидир. Биламизки, тилнинг алоқа воситаси эканлиги унинг ижтимоий вазифасидир. Инсонлар бир – бири билан муносабат ўрнатгандан бошлаб тил шу вазифани адо этиб келмоқда. Ҳар бир ҳалкнинг ўз она тилиси бор. Она тили- бу инсон туғилгандан унга хамроҳ буладиган восита.. Лекин дунёда миллат қўп, мамлакат қўп. Уларнинг ўзаро муносабатисиз умумжаҳон тараққиёти бир бутунлик қасб эта олмайди. Ривожланган мамлакатларга интилиш эса табиий жараён. Қолаверса, ҳозирги тезкор замонда ўзаро муносабат янада янги талаблар билан шаклланмоқда. Иктисолий, маданий, маънавий алоқалар кундан – кунга ривожланиб бормоқда. Ҳамкорликда иш олиб бориш кучаймоқда. Ҳар бир инсоннинг интеллектуал салоҳияти асосий мезон бўлиб бормоқда. Бу жараёнда чет тилини билиш ҳам муҳим аҳамият қасб этаётганлиги бугун хеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги Қарори бу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган лигининг ёрқин намунаси сифатида қабул қилинди. Чет тилига эътибор қаратиш ҳар доимо асосий масалалардан бири бўлиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари доимо ўз нуткларида ешларга карата бирон бир чет тилини ўрганиш ва компютер

<https://buxdu.uz>